O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 30 июль, № 150 (4560) Чоршанба


# АВГУСТДАГИ МЕҲНАТ — ПАХТАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ГАРОВИ

***Мамлакатимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг, хусусан, пахтачиликнинг ўз ўрни бор. Кейинги йилларда ушбу тармоқда эришилаётган ютуқларнинг асосий омиллари, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда ерларнинг ҳақиқий деҳқонларга — фермерларга берилгани, уларнинг меҳнат қилишлари, ўз иқтидорларини намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилгани, моддий-техник ресурслари бойитиб борилаётгани самарасидир.***

▼ Бугуннинг гапи





Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

Республикамизнинг пахта етиштирувчи фермерлари бу йил ҳам улкан “оқ олтин” хирмони яратишга бел боғлашган. Шу мақсадда ғўза парваришидаги агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли ўтказишмоқда. Аслида пахтачиликда ҳар ойнинг ўз ўрни, бажарилажак агротехника тадбирининг мақсад-вазифалари бор, албатта. Айниқса, август ойи деҳқонлар учун энг масъулиятли давр ҳисобланади. Нега деганда, ғўза парваришидаги асосий агротехника тадбирлари шу пайтга, яъни деҳқончилик тақвимидаги айни асад ойига тўғри келади. Шу маънода мазкур ойдаги меҳнат, кўп жиҳатдан, олинажак ҳосил салмоғини белгилаб беради. Халқимизнинг “Асад — экинингни ясат” деган ажойиб мақоли замирида ҳам мана шу ҳақиқат мужассам, аслида. Зотан, ғўза агротехника талаблари асосида парваришланса, сув вақтида тараллиб, культивация меъёрида қилинса, унинг ривожи тезлашиб, шоналар гулга, гуллар кўсакка айланади. Ой охирида қийғос очилган пахта ҳосили тарозига тушади.

Тўғри, бу йилги мураккаб об-ҳаво деҳқонларга бир оз қийинчиликлар туғдирди. Аммо табиатнинг бундай синовларида тобланган республикамиз деҳқонлари чигитни обитобида ундириб олдилар. Бугунги кунда ғўза ривожи баравж, маромида ўсмоқда. Бунда деҳқону фермерларга муносиб иш шароити яратилиб, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб турилгани муҳим омил бўлди.

(Давоми 2-бетда).

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Франциянинг Европа ишлари бўйича давлат котиби Жан-Пьер Жуйе раҳбарлигидаги делегация 29 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан учрашди.***

## ФРАНЦИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Музокарада Президент Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 майда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони Ўзбекистон умуминсоний қадриятларга содиқлигининг яна бир далили бўлгани алоҳида қайд этилди. Меҳмонлар мамлакатимиздаги демократик жараёнлар, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларга юксак баҳо бердилар.

— Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги қудратли мамлакатлардан, — деди Жан-Пьер Жуйе. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Ташриф асносида юртингизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистон қисқа давр ичида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида улкан муваффақиятларга эришгани диққатга сазовор. Биз юртингизда халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларни қўллаб-қувватлаймиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳамда икки томонлама дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Учрашувда Ўзбекистон ва Франция олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Томонлар икки мамлакат парламентлари ўртасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини фаоллаштириш зарурлигини ҳамда алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлигини таъкидладилар.

Франция делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

**(ЎзА).**

**Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8 февралдаги 2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим вазифаларига бағишланган мажлисида сўзлаган маърузасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан вилоятларда муайян ишлар амалга оширилмоқда.**

## ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

**Тошкент вилояти** ҳокими вазифасини бажарувчи З. Ниёзов бошқарган вилоят фаолларининг жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишларини амалга оширишни таъминлаш чора-тадбирларига бағишланган йиғилишида йилнинг биринчи ярмида ислоҳотларни амалга оширишда муайян ютуқлар қўлга киритилгани таъкидланди. Жумладан, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 7,7 фоиз, қурилиш ишлари 10,5 фоиз, чакана товар айланмаси 20,2 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 19,1 фоиз ўсди.

Шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш борасида ижобий натижаларга эришилди. Инвестицияларнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23,9 фоизга кўпайди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари доирасида саккизта лойиҳа амалга оширилди. Ўн тўртта ишлаб чиқариш корхонаси фойдаланишга топширилди.

Шу билан бирга, вилоятда ҳисобот даврида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларга эътибор қаратилди. Хусусан, Ангрен, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарларида тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўзда тутилган бир қатор инвестиция лойиҳалари бўйича белгиланган режалар бажарилмагани танқид қилинди. Айрим туманларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлари талабга жавоб бермаслиги қайд этилди.

Вилоятда ўқувчиларни ўрта махсус таълим муассасаларига жалб этиш, битирувчиларни ишга жойлаштириш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилмаяпти. Пискент, Бўка, Паркент туманларида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қуриш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жиддий эътибор қаратиш зарур. Кузги-қишки мавсумга ҳозирлик кўриш, коммунал соҳада ҳисоб-китобни тизимли йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш ва иқтисодий самарадорликни ошириш борасида ҳам бир қатор камчиликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда бундай камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотлар раҳбарлари зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов сўзга чиқди.

* * *

**Сирдарё вилояти** фаолларининг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишини вилоят ҳокими А.Жалолов бошқарди.

(Давоми 2-бетда).

## ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР — ЮРТ ИШОНЧИ

***Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ёшларимизнинг билим чўққиларини забт этишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда, истеъдодли йигит-қизлар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.***

Зеро, “Ёшлар йили” Давлат дастури вазифаларида белгиланганидек, йигит-қизларимизнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш устувор вазифалардан саналади. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида турли лойиҳа ва танловлар, кўрик ҳамда фестиваллар ўтказилаётганлиги ёшлар иқтидорини юзага чиқариш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлардандир. Айниқса, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган “Келажак овози” республика танлови бу борада беқиёс аҳамият касб этади.

Жорий йилда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, қатор вазирлик ҳамда идоралар ҳамкорлигида

▼ **“Келажак овози — 2008”**

ёшларнинг қизиқиш ва интилишларини янада кучайтириш мақсадида турли учрашув ва анжуманлар, шунингдек, “Биз бир жамоамиз!” акцияси доирасида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Ушбу ҳамкорлик натижасида танловда қатнашиш истагини билдирган ёшлар сони кескин ортди. Хусусан, ўтган йили 32 минг нафардан зиёд йигит-қиз танловда иштирок этган бўлса, бу гал унда қатнашмоқчи бўлганлар 54 минг нафарни ташкил этмоқда.

— Табиийки, бу ҳам иштирокчилар орасида ўзаро рақобат муҳитини кучайтириб, саралаш жараёнига қатор янгиликларни татбиқ қилишни тақозо этади, — дейди “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази директори Баҳодир Шарофов. — Шу боис, жамоатчилик кенгаши қарорига асосан, “Келажак овози” республика танловига саралашнинг шаҳар ҳамда туман босқичларини ҳам ўтказиш белгиланди. Унга мувофиқ, танловнинг бу йилги илк босқичлари 4-10 август кунлари, вилоят босқичлари 10-20 август

(Давоми 2-бетда).

## МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

***Нукус шаҳрида диний-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада юксалтириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раиси Б. Янгибоев бошқарди.***

Йиғилишда Ўзбекистон Мусулмонлар идораси вакиллари, хотин-қизлар қўмиталари, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш, муборак заминимизда етишиб чиққан буюк мутафаккирлар маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиздаги кўплаб муқаддас қадамжолар обод қилиниб, файзли зиёратгоҳларга айлантирилди.

Виждон эркинлиги, ҳар бир шахснинг ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмаслиги Бош Қонунимизда, тегишли қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Айни пайтда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, ўндан зиёд диний конфессиялар вакиллари ўзаро аҳил-иноқ истиқомат қилиб келмоқдалар.

Диний таълим тизимини такомиллаштириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, чуқур билимга

(Давоми 2-бетда).

## ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

***Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги Зафар қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Абдуғаффор ака ва Ойкарам ая Қўшбоевлар хонадонида бир умрга арзигулик тўй-тантана бўлиб ўтди.***

Катта оиладаги саккизинчи фарзанд — Азизбек Қўшбоевнинг бахт тўйи нафақат хонадон соҳиблари, балки туман аҳли ҳаётида ҳам унутилмас воқеа бўлиб қолди.

Азизбек тумандаги 16-мактабни тугатиб, таҳсилни аввал Оққўрғон академик лицейи, сўнгра Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги ихтисослашган олий бизнес мактабида давом эттирди. Айни пайтда ўзи таҳсил олган мактабда ёшларга иқтисодий билим асослари фанидан дарс беради. Республикада бўлиб ўтган “Йилнинг фан ўқитувчиси” кўрик-танловида иштирок этиб, биринчи ўринни қўлга киритди ва “Халқ таълими аълочиси” нишони билан тақдирланди.

Азизбек Қўшбоев юртимизда ёшларга яратиб берилаётган ана шундай шароит ва эътибор учун миннатдорчилик билдириб, давлатимиз раҳбарига ўз дил изҳорларини йўллади ва Юртбошимизни ўзининг бўлажак бахт тўйига таклиф этди.

Президентимиз Азизбекнинг бу дил сўзи ва ҳурмат-эътиборига жавобан миннатдорлик ифодаси сифатида ёш оилага ўзининг эзгу тилак ва эсдалик совғаларини жўнатди.

Юртбошимиз туҳфасини 28 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ёш оила Азизбек ва Дилдорахонларга тантанали равишда топширди.

Президентимиз устоз ва мураббийларга йўллаган байрам табрикларидан бирида «... агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир», деган эдилар. Президентимизнинг ёш оилага кўрсатган ушбу ғамхўрликлари айни пайтда мамлакатимизда ўқитувчилик касбига, ўқитувчи шаънига нисбатан улкан эътиборнинг ёрқин ифодаси ҳам бўлди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Файз бинокор» туҳфаси

Боғдод тумани Кенагас қишлоғидаги сервис ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи биноси кўрган кўзни қувонтиради. Бахтиёр Валломов бошлиқ «Файз бинокор» масъулияти чекланган жамиятининг қўли гул қурувчилари коллеж биносини муддатидан аввал тиклаб, фойдаланишга топширдилар.

Илм ва касб-ҳунар ўрганиш учун барча шарт-шароит, имконият мавжуд бўлган 580 ўринли коллежда талабалар 5 хил йўналишда таҳсил оладилар.

**М. УСМОНОВА.**

Бир рақам шарҳи

## АҲОЛИ БАНДЛИГИ ОШМОҚДА



**2008** йилнинг биринчи ярмида яратилган янги иш ўринлари сони **372,1** мингтани ташкил этди.

**Бу иқтисодиётни ривожлантиришнинг мақсадли комплекс дастурлари изчил амалга оширилаётганлиги, жумладан, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланаётганлиги, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида касаначилик асосида уй меҳнати ташкил қилинаётганлиги самарасидир.**

# МАДАНИЯТ хабарлари

## Саҳнада — «Саҳро булбули»

**Нукусдаги С. Хўжаниязов номли ёш томошабинлар театрида Ўзбекистон Қаҳрамони, ёзувчи Тўлепберган Қаипберганов қаламига мансуб «Саҳро булбули» драмаси премьераси бўлиб ўтди.**

Иқтидорли ёш режиссёр Омон Худойназаров саҳналаштирган ушбу асарда Бердақ сиймоси орқали XIX асрдаги ҳаёт тасвирланган.

Зеро, томошабинлар эътирофини қозонаётган спектакль Бердақ таваллудининг 180 йиллигига муносиб совғадир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Рақслар гулшани

**Жиззахдаги “Ўрда” номли ёшлар экологик боғида “Рақслар гулшани” кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.**

Ушбу танловда 36 нафар ёш истеъдод соҳиби қатнашди. Кўрик натижаларига кўра, мирзачўллик Малика Омонова ҳамда Жиззах тумани вакили Содиқ Ғойибназаров ғолиб деб топилдилар. Эндиликда улар танловнинг Бухоро вилоятида бўлиб ўтадиган республика босқичида иштирок этишади.

**Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Янги ҳинд фильми

**Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Санъат саройида “Безовта руҳ” деб номланган янги ҳинд фильми тақдимоти ўтказилди.**

— Фильмда оилавий муносабатлар, меҳр-оқибат, фарзандлик бурчи сингари умуминсоний қадриятлар тараннум этилган, — дейди таржимон Аҳмаджон Қосимов. — Ўйлайманки, шарқона урф-одатлар ҳамоҳанглигидаги мазкур фильм воқеаларининг ёшларимиз учун тарбиявий жиҳатлари талайгина.

Янги фильмда Амитабх Баччан, Шоҳруҳ Хон, Жухи Чавла сингари ҳинд кино санъатининг истеъдодли актёрлари роль ижро этган.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**




**Мустақиллик йилларида юртимизнинг барча гўшалари сингари кўҳна вилоятимиз ҳудуди ҳам обод ва кўркам масканга айланди. Хусусан, азим Самарқанд шаҳри таниб бўлмас даражада ўзгариб, янгича ҳусн-тароват касб этди. Айниқса, тарихий обидаларнинг умрига умр, салобатига салобат қўшилди. Ҳозирда шарқона услубда ва замонавий кўринишда бунёд этилаётган иморатлар, кўча ва хиёбонлар шаҳар жилосига ўзгача сайқал бермоқда.**

# ЖОЙ НОМЛАРИ — ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

Шу билан бир қаторда вилоятдаги шаҳар-туманлар марказларида, аҳоли пунктларидаги маҳалла-мавзелар, кўчаларнинг номларини ҳам уларнинг асл келиб чиқишига ҳамоҳанг тарзда, тарихимизга, маънавиятимизга мос бўлишига эришилмоқда.

Вилоятда мингдан зиёд маҳалла бор. Биргина Самарқанд шаҳрида 192 та маҳалла ва 400 дан зиёд кўча мавжуд. Тўғри, уларнинг маълум қисми номланиш жиҳатидан асрлар оша ўзининг қадимийлигини сақлаган. Аммо собиқ тузум даврида Самарқанд шаҳридаги кўпгина маҳаллалар, кўчалар ва масканларнинг номлари маънавиятимизга, халқимизнинг азалий анъана ва урф-одатларига мутлақо сингишмайдиган турли хил атамалар билан алмаштирилиб, тарихийлигидан маҳрум этилганди.

Топонимик объектларга ном бериш вилоят комиссияси Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Президентимизнинг 2004 йил 11 августдаги «Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори талаблари асосида жой номларини босқичма-босқич кўриб чиқиб ўзгартирмоқда, уларнинг аксарияти аллақачон ўзининг асл номига қайтди ҳам.

Афросиёб, Оқсарой, Шоҳи Зинда, Турон, Туркистон, Бўстонсарой, Буюк Ипак йўли, Мингтут, Найман, Чўпонота, Масжиди Қўнғироқдор, Руҳобод, Қўрғонча, Лабиғор, Намозгоҳ, Бағдод, Дамариқ, Янгиравот, Хавос, Заргарон, Кулолон, Йўнғичқаариқ, Тазар, Чашмаи Ҳизр, Деволи кўндаланг каби юзлаб маҳалла ва кўчалар ўзининг асл тарихий ва жозибадор номларига эга бўлди.

Самарқанд шаҳрида турли даврларда яшаб ижод этган, дунё илм-фани, маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган ва шаҳар номининг бутун дунёга таралишида хизмат қилган буюк алломаларнинг муборак номлари вилоят ва Самарқанд шаҳридаги кўплаб маҳалла ва кўчаларга, мавзеларга берилмоқда. Мир Сайид Барака, Абу Бакр Розий, Қозизода Румий, Шарафиддин Али Яздий, Ибн Холдун, Ибн Арабшоҳ, Руи Гонзалес де Клавихо номлари шулар жумласидандир.

Самарқанд шаҳрининг марказида жойлашган, кейинги икки-уч йил ичида бутунлай қайтадан барпо этилиб, шаҳарликлар ва меҳмонларнинг севимли масканига айланган марказий истироҳат боғига мутафаккир шоир Алишер Навоий номи берилгани ва бу ерга шоир бобомизнинг ҳайкали ўрнатилгани барчанинг дилидаги иш бўлди. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, боғ атрофидаги ва унга туташ 10 дан зиёд кўчага исм-шарифлари Алишер Навоийнинг турли асарларида меҳр билан таъриф-тавсиф этилган улуғ бобокалонларимизнинг номлари қўйилди. Булар Абдураҳмон Жомий, Аҳмад Яссавий, Лутфий, Юсуф Ҳамадоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек кабилардир.

Номлари ўзгарган кўча кўрсаткичлари эса бир хил шаклда, чиройли тусда ёзилиб, кўзга кўринарли жойларга ўрнатилмоқда. Бу, албатта, кўча ва маҳаллаларимизга чирой, салобат бахш этиши билан бирга, ташриф буюраётган меҳмонларга ҳам ҳар томонлама қулайликлар туғдиради. Энг муҳим ва ибратли жиҳати шундаки, кўча ва маҳаллаларда, мавзеларда буюк бобокалонларимиз, улуғ алломаларимизнинг бежирим ва чиройли ёзилган номларига кўзлари тушган фуқароларимиз, хусусан, ўғил-қизларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғулари, юксак ғурур ҳисси жўш уриши, тайин.

Албатта, обод ва озод юртимизнинг ҳар бир манзилига унинг ўзлигини ифода этадиган салмоқдор ва чиройли номлар ярашади. Зеро, бугун юртимизда кечаётган ислоҳотлар, айниқса, маънавий соҳадаги ўзгаришлар боболаримиз яшаб ўтган, ўзимиз туғилиб ўсган жой, манзилу масканлар номларининг тарихий хотирамизга мос бўлишини тақозо этаётир.

**Х. МУҲАММАДИЕВ,**
**Самарқанд вилояти ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси.**



**Толиб Ҳасанов уяли телефон ишқибози. Бошқалардан фарқли томони шундаки, у бу матоҳни ҳалол пулига сотиб олмайди, аксинча, бировларнинг сумкаси ёки ҳамёнидан ўғирлаб, пуллашга одатланган.**

## Қонун олдида жавоб беради

Наманган шаҳрининг Уйчи кўчасида жамоат транспортига чиқмоқчи бўлиб турган Рислиғой Тоирова ким биландир гаплашиб бўлгач, «сотка»сини чўнтагига солганини кўрган Толиб дарров ҳаракатга тушиб қолди. Зумда унинг ёнидан силлиққина ўтди-ю, телефонни «ўзиники» қилиб олди. «Чорсу» меҳмонхонаси олдига келиб, нархи 150000 сўм бўлган «ўлжа»ни уйчилик бир аёлга 30000 сўмга сотиб юборди. Кейинги гал «Форд»га ўтираётган учқўрғонлик Гулчеҳра Ғуломованинг қўл телефонини сездирмай олди-да, уни ҳам арзон-гаровга пуллади.

**▼ Таассуф**

Бузоқнинг югургани сомонхонагача, деганлари тўғри экан. Иштаҳаси карнай Толиб навбатдаги «ов»да ўзи тўрга тушди. Нон харид қилаётган фуқаро — Мавлуда Мўминованинг ҳамёнидан 6800 сўм пулни ўмаргани учун кўп ўтмай ички ишлар ходимлари томонидан ушланди.

Эндигина ўн тўққиз ёшни қаршилаган бу шоввоз аввал ҳам икки марта ўғирлик билан судланган, унинг вояга етмаганлиги инобатга олиниб, синов муддати белгиланганди. Ҳозирда у суднинг қора курсисида ўтирибди. Энди у қонун олдида жавоб беради.

**Фурқат МАМАЖОНОВ, Наманган вилояти ИИБ ходими, милиция майори.**

## «Ситора»нинг сара суратлари

Бухоро фотосанъатини ривожлантириш ижодий маркази ва «Ситора» халқ фотостудияси вакиллари Шавкат Болтаев ҳамда Зилола Саидова Санкт-Петербург шаҳрида ташкил этилган кўргазма қатнашчилари қаторидан ўрин олишди.

«Ўзбекистон фотографияси. Ўрта Осиёнинг маданияти ва анъаналари» деб номланган ушбу тадбирда бухоролик фотосанъаткорлар 200 дан зиёд сара асарлари билан қатнашмоқдалар.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

# МАҚСАД — ОЛИМПИАДАДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ҚАТНАШИШ

**Бутун жаҳон аҳли орзиқиб кутаётган XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари бошланишига тўққиз кун қолди. Бир неча кундан сўнг мамлакатимиз спортчилари делегацияси мазкур анжуманда иштирок этиш учун Пекинга жўнаб кетади. Улар сафида Наманган вилоятининг ягона вакили — бокс устаси Тўлашбой Дониёров ҳам бор.**

Beijing 2008



Айтиш керакки, 51 килограмм вазн тоифасида бир неча бор Осиё чемпиони бўлган Тўлашбой учун бу олимпиада ўйинларига иккинчи бор йўлланма. Бундан тўрт йил аввал Афинадаги мусобақаларда кучини синовдан ўтказган спортчи чорак финалгача етиб борган ва бронза медалига даъвогар бўлган эди. Сафарга пухта тайёргарлик ва аъло кайфият билан отланаётган боксчининг Пекинда ўтадиган мусобақалардан умиди катта — энг улуғ, энг азиз байрамимизга арзирли туҳфа Олимпиаданинг нуфузли медалини олиб қайтиш.

Тўлашбойнинг айтишича, жиддий баҳсларда у билан рингга тушадиган рақиблардан кўпчилигининг номи тайин. Улар орасида америкалик жаҳон чемпиони Варен, Афина Олимпиадасида ғолиблик қилган кубалик Джуриоркис Гамбоа Толеданолар бор. Бундан ташқари Таиланд, Озарбойжон, Хитой вакиллари билан «жанг қилиш»га тўғри келади. Боксчи бўлғуси курашларга ана шу кучли спортчиларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўта жиддий ҳозирлик кўрди. Чорвоқ ва Янгиободдаги умумжисмоний тайёргарлик йиғинларида маҳоратини янада оширди. Бундан ташқари, Финляндия, Италия, Россия боксчилари билан биргаликдаги олимпиадаолди машғулотлари ҳам ўз самарасини бериши турган гап.

— Куни кеча оиламдагилар, икки ойлик ўғлимни кўриш учун она шаҳрим Наманганга келдим, — дейди йигирма етти ёшли спортчи Т. Дониёров. — Бу орада мени ва устозим Л. Қўчқоровни вилоят ҳокими И. Нажмиддинов қабул қилди. Ҳаётимда бош турнирлардан бири бўлиб қоладиган Олимпиада ўйинларига сафар олдидан ўзининг самимий тилакларини изҳор қилиб, спортчиларга ғамхўрликнинг яна бир кўриниши сифатида янги хонадон калитини туҳфа қилди. Бундан бошим кўкка етди...

Боксчи Пекин Олимпиадаси рингидаги биринчи жангга 12 август куни тушади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## «Осиё болалари» ғолиби

**Яқинда Саха (Россия) шаҳрида «Осиё болалари» анъанавий спорт ўйинлари бўлиб ўтди.**

Унинг қатнашчилари орасида андижонлик боксчи Қобилжон Бобожонов ҳам бор эди.

Қобилжон 54 килограммгача вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи баҳсда у мезбон Егор Пафомов устидан ишончли ғалабани қўлга киритиб, олтин медаль соҳиби бўлди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Корхоналар раҳбарлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги мутахассислари диққатига!

**ТАШКИЛОТ** қуйидаги меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги маҳсулотларини

**таклиф этади:**

- ёнғин хавфсизлиги мавзусидаги плакатлар;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги муҳандислари учун ҳужжатлар тўплами;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, фуқаролар ҳимояси ҳамда фавқулодда вазиятлар мавзусидаги плакатлар, китоблар ва рисолалар;
- шошилинч биринчи ёрдам кўрсатиш машғулотларида фойдаланиладиган манекен-тренажёрлар;
- видеофильмлар.

Телефонлар: 233-53-00, 717-17-52, 263-17-52.
Факс: 239-14-80, 233-16-16. E-mail: albert.btl@mail.ru

1201Н/1279

ДИҚҚАТ: АКЦИЯ!

ФАҚАТ ИЮЛЬ ОЙИДА УЛАНГАНЛАР УЧУН!

"Мистер Бонус!"

ЙИЛ ОХИРИГА ҚАДАР!

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ БАРЧА ҚЎНҒИРОҚЛАРГА

+1200

БЕПУЛ ДАҚИҚАЛАР

Бонус ортикча бўлмайди



ISO 9001:2000

PerfectumMobile CDMA Dreams Come True!

Барча маълумотлар компания офисларида ва www.cdma.uz сайтида. Хизматлар лицензияга эга.

(8598) 305-1111

1096Н/2315

ВЕРСАЛЬ

МИР обоев

Eastmann

палитра

Российский линолеум

Тел. 234-48-11

Факс 234-49-58

Товар сертифицирован.

Форма оплаты — любая.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзР ФА академиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати, физика-математика фанлари доктори, профессор

**Тожибой БЎРИЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия билдиради.

ЎзР ФА Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти жамоаси математик геология лабораториясининг мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, геология-минералогия фанлари доктори, академик

**Файзулла Асадуллаевич УСМОНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 26421 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 23.25 1 2 3 4 5 6 7